


## Ветеринария ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиши жараёнлари

**Рахманов Қ.С.** – Ўзбекистон халқаро ислом академияси кафедра мудири  
**Рустамова М.Я.** – Тошкент ахборот технологиялари университети мустақил тадқиқотчиси

Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда барча соҳаларда бўлгани каби Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳам ўз фаолият доирасидага жараёнларни автоматлаштириш борасида ишларни олиб бормоқда.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 марта «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5696-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-4254-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгиланган [1-2]:

- ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-хуқуқий хужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, **ветеринария фаолиятини лицензиялашни** амалга ошириш;
- ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;
- мамлакат худудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётта ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютукларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;
- чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг ягона механизmlарини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа этиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;
- чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;
- ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини



белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижалари ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш;

- чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

- соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ветеринария ягона ахборот тизими (“EVET” ЯАТ) ни ишлаб чиқиши мухим саналади [3]. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида ушбу “EVET” ЯАТ ахборот тизими мухим бўлган тўртта асосий модулдан иборат бўлади:

1. Ариза ва сертификатлар билан ишлаш модули;
2. Шартномалар ва пул тушумлари ҳисобини юритиш модули;
3. Таркибий тузилмалар ўргасида хужжатлар алмашинуви модули;
4. Маъмурлаш бўлими.

1. Ариза ва сертификатлар билан ишлаш модулида “EVET” ЯАТнинг ахборот алмашинув бўлими (веб-сервис) ишлаб чиқилади ва Давлат божхона кўмитасининг “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ([singlewindow.uz](http://singlewindow.uz)) билан интеграция қилинади. Аризалар электрон раками имзо ёрдамида “Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит қилишга руҳсатнома бериш тартиби тўғрисида низом”да белгиланган тартибда ва шаклда юборилади. Қабул қилинган аризани Республика, вилоятлар ва Чегара (транспорт) ветеринария пунктлари фойдаланувчиларига уларга берилган тегишли роллар (хуқуқлар) асосида ижро ва назорат қилиш имконияти яратилади. Чегара (транспорт) ветеринария пункtlарида инспекторлар томонидан ариза дастлабки кўриб чиқилиши, унга кўра фақатгина хато ва камчиликлари сабабли қайта ишлаш учун (сабабини кўрсатган ҳолда) тадбиркорга қайтариш имконияти яратилади. Чегара (транспорт) ветеринария пунктида бир нечта инспекторлар мавжуд бўлганда аризани пункт бошлиғи ушбу инспекторлардан бирига кўриб чиқиш учун йўналтириши ёки ўзи кўриб чиқиши мумкин (1-расм).

Ушбу маълумотлар веб-сервис ёрдамида “Ягона дарча” БАТ орқали тадбиркорга юборилади. Агарда ариза хатолик сабабли қайтарилган бўлса, тадбиркор кўрсатиб ўтилган хатоликни бартараф этади ва аризани “Ягона дарча” БАТ орқали қайта юборади.



Чегара (транспорт) ветеринария пунктларида инспекторлар томонидан ариза (қайта юборилган ариза) кўриб чиқилиб, унда хатолик бўлмаса тўлов учун инвойсни (хисоб-фактурани) шакллантиради.

Ушбу маълумотлар веб-сервис ёрдамида “Ягона дарча” БАТ орқали тадбиркорга юборилади. Тўлов учун тақдим этилган хисоб-фактура асосида тадбиркор тўловни амалга оширади.

Келиб тушган тўлов тўғрисидаги маълумотлар “Ягона дарча” БАТдан “EVET” ЯАТга юборилади. “EVET” “EVET” ЯАТда ушбу тўлов кўринганидан кейин ариза бўйича инспекторлар томонидан кейинги амаллар бажарилади.

Чегара (транспорт) ветеринария пунктларида инспекторлар томонидан ариза кўриб чиқади ва ветеринария назорати остидаги юкни (хайвонни) кўрикдан ўтказади. Кўрик натижасига кўра Ветеринария сертификати (гувоҳномаси) расмийлаштирилади.

Ветеринария сертификати (гувоҳномаси) веб-сервис ёрдамида “EVET” ЯАТдан “Ягона дарча” БАТга юборилади [4].



1-расм. Ариза ва сертификатлар билан ишлаш модули

2. Шартномалар ва пул тушумлари ҳисобини юритишида “Ягона дарча” БАТда тадбиркор идентификациядан ўтган ҳолда Ветеринария сертификати (гувоҳномаси)ни олиш юзасидан тегишли оферта шартномасини тасдиқлайди, шартнома веб-сервис орқали “EVET” ЯАТга юборилади (2-расм).

“EVET” ЯАТда шартномалар автоматик қабул қилинади, ҳар бир тадбиркор билан тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматлар, амалга оширилган тўловлар ва ўзаро сальдо ҳисоби юритилади.

Тадбиркор Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ўзаро солишиширув далолатномасини “Ягона дарча” БАТ орқали олиш имконияти яратилади, мазкур далолатномага QR-код кўйилади.


Тузилган шартномалар бўйича маълумотларни “EVET” ЯАТни “UzASBO” тизимига интеграция қилиш орқали Молия вазирлигига юборилади.

Тўлов амалга оширилган ҳисоб-фактуралар бўйича маълумотларни “EVET” ЯАТни электрон ҳисоб-фактураларни алмашиш хизмат(лар)ига интеграция қилиш орқали солиқ органларига юборилади.




2-расм. Шартномалар ва пул тушумлари ҳисобини юритиши модули

3. Таркибий тузилмалар ўртасида хужжатлар алмашинуви модулида “EVET” ЯАТ администратори томонидан фойдаланувчилар учун ушбу модулдан фойдаланишга руҳсатлар очилади ва тегишли хукуқлар берилади. Фойдаланувчилар бевосита иш фаолиятига даҳлдор хужжатларни бир ёки бир нечта фойдаланувчиларга тизим орқали онлайн режимида электрон шаклда юбориш имконияти яратилади. Бунда, юборилган хужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади (3-расм).



3. Ҳужжат қабул қилувчи фойдаланувчиларга тизим орқали хабар бериш йўлга қўйилади.




### 3-расм. Таркибий тузилмалар ўртасида ҳужжатлар алмашинуви модули

4. Маъмурлаш бўлими модулида Маъмурлаш бўлимидан фақат раҳбарият томонидан белгиланган тизим администратор(лар)и фойдаланади. Администратор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади (4-расм):



- тизим фойдаланувчиларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли ролларни (хукуклар) белгилаш, фойдаланувчиларга тизимдан фойдаланиши учун берилган руҳсатларни ўзгартириш ёки ёпиш;
- тизимнинг иш фаолиятини мониторинг қилиш;
- ахборот алмашинувларининг веб-сервислари ишчи ҳолатини автоматик равишда шаклланувчи маълумотлар ва ҳисоботлар орқали назорат қилиш;
- журнал қайдлари ва ахборот хавфсизлиги тизими огоҳлантиришлари мониторинги.

Тизимда янги модуллар яратилган ҳолларда администратор томонидан ушбу модул билан боғлиқ роллар (хукуклар) яратилади.



### 4-расм. Маъмурлаш бўлими модули

Ахборот тизимда янги модуллар яратилган ҳолларда администратор томонидан ушбу модул билан боғлиқ роллар (хукуклар) яратилади. Ишлаб чиқилаётган тизими бошқа ташкилотлар билан рақамли интеграция қилинган айниқса тадиоиркорларга жуда катта имкониятлар эшигини очади. Ортиқча оворагарсиликларни олди олинади. Вақт ва маблаг тежалади. Барча маълумотлар ягона “EVET” ЯАТ ахборот тизимида сақланади. Ягона “EVET” ЯАТ ахборот тизимидан фойдаланувчилар роллар MVC (Model View Controller) кон асосида ишлаб чиқилган бўлиб [5], замон талабидан келиб чиқсан ҳолда ҳамда талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда янги фойдаланувчи роллари ишлаб чиқиши мумкин (5-расм).



**5-расм. “EVET” ЯАТ ахборот тизимиning MVC веб модели**

MVC технология асосида ишлаб чиқилган ахборот тизимида фойдаланувчи томонидан берилган сўровларнинг бажарилиш жараёнида дастлаб ахборот тизимнинг кириш скриптига мурожаат қилинади. Кириш скриптида ахборот тизимиning созлашларини юклаш ва иловани ишга тушириш амалга оширилади. Кейинги босқичда фойдаланувчи сўрови асосида “Controller”, “Model”, “View” босқичларидан ўтиб каракли жавоб қайтарилади.

Бу ахборот тизими марказлашган маълумотлар базаси асосида турли кесимдаги керакли маълумотларни оператив равишда саралаб, керакли шаклдаги ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради ва вакт унумдорлигига эришишга ёрдам беради [80].

Хозирда ушбу ахборот тизимни ишлаб чиқиши борасида ишлар олиб борилиши билан биргалик Чегара ветеринария пунктларида ахборот алмашиш жараёнлари ва давлат бошқарув тизимлари билан интеграциясини таъминловчи ахборот тизими мавзусида илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5696-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4259331>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-4254-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4258732>.
3. <https://www.vetgov.uz> - Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти.
4. <https://singlewindow.uz> - “Ягона дарча” божхона ахборот тизими.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Model-View-Controller>